# Аллоҳни поклаб ёд этурман

15:29 / 25.02.2020    3657

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқишга турганимда, у зот туриб, Бақара сурасини ўқидилар. Раҳмат ояти келса, тўхтаб, раҳмат сўрардилар, азоб ояти ўтса, тўхтаб паноҳ тилардилар. Сўнг қиёмда турганларича рукуъ қилдилар. Рукуъларида:

سُبْحَانَ ذِي الْجَبَرُوتِ وَالْمَلَكُوتِ وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْعَظَمَةِ

**«Субҳана зил жабарути вал малакути вал кибрийаи вал ъазомат»** (Жабарут, малакут, кибриё сифатли Аллоҳни поклаб ёд этурман), деб ўқирдилар. Сўнг саждаларида ҳам худди шундоқ қилдилар».

*Абу Довуд ва Насаий ва Термизий ривоятлари.*